

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

АБДИКУЛОВ БОЛАТ САБИТКУЛОВИЧ

**КЕСАР КЕСИШДАН КЕЙИН ЙЎЛДОШНИНГ БАЧАДОН
ЧАНДИФИГА ЎСИБ КИРИШИ: ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОҲЛИК
АМАЛИЁТИНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдикулов Болат Сабиткулович

Кесар кесишдан кейин йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши:
ташҳислаш ва жарроҳлик амалиётини муқобиллаштириш..... 3

Абдикулов Болат Сабиткулович

Врастание плаценты в рубец на матке после кесарева сечения:
оптимизация диагностики и хирургического лечения..... 29

Abdikulov Bolat Sabitkulovich

Placenta ingrowth into the uterine scar after the cesarean section:
optimization of diagnosis and surgical treatment..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Тиб.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

АБДИКУЛОВ БОЛАТ САБИТКУЛОВИЧ

**КЕСАР КЕСИШДАН KEYИН ЙЎЛДОШНИНГ БАЧАДОН
ЧАНДИФИГА ЎСИБ КИРИШИ: ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОҲЛИК
АМАЛИЁТИНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2PhD/Tib1849 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) тилларида) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akusherstvo.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Каримов Заур Джавдатович, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юсупов Усмон Юлдашевич, тиббиёт фанлари доктори Бабаджанова Гульджахан Саттаровна, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ да соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек кўчаси, 132-а уй. Тел.:(+99871) 263-78-33; e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек кўчаси, 132-а уй. Тел.:(+99871) 263-78-33; e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Надирханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

А.М. Бабаханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, PhD

М.Ю. Асатова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши замонавий акушерликнинг ўта долзарб муаммосига айланди. Муаммонинг аҳамияти, биринчи навбатда, катта қон йўқотиш туфайли оналар ўлимининг юқори хавфи билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда Халқаро акушерлик ва гинекологлар Федерацияси (FIGO) “.....йўлдошнинг ўсиб киришини бутун дунё бўйлаб кесар кесишни частотасининг ошиши натижасида ятроген ҳолат сифатида тавсифлайди”¹. XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунгача йўлдошнинг ўсиб кириши ҳолатлари 50 марта кўпайди: 1:5000 туғруқдан 1:1000 туғруққача. Аксарият ҳолатларда йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришида бачадондан қон кетишини тўхтатишнинг ягона усули - бу гистерэктомия. Ҳозирда даволанишга ёндашув ўзгариб, жарроҳлик билан туғдириш тактикаси, гемостазнинг жарроҳлик усуллари ва тос бўшлиғида қон оқимининг камайиши нафақат қон йўқотиш ҳажмини назорат қилиш, балки органларни сақлаш жарроҳлик амалиётларини ҳам амалга ошириш имконини берди. Бироқ, йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришида жарроҳлик орқали туғдириш муаммоси ҳали ҳам ўзининг якуний ечимидан узоқдир, чунки энг юқори малакали муассаса шароитида ҳам ўлим эҳтимолини бутунлай истисно қилиб бўлмайди.

Жаҳонда мавжуд адабиётларда кесар кесишдан кейин йўлдошнинг бачадон чандиғи сони ва сифати ўртасидаги бевосита боғлиқлик таърифланган. Silver R. изланишида АҚШда ўтказилган кўп марказли тадқиқот маълумотлари келтирилган: йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши эҳтимоли бир, икки, уч, тўрт ва беш бачадон чандиғи мавжуд бўлганда мос равишда 3%, 11%, 40%, 61% ва 67% гача кўтарилади. Йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан хасталанган беморларнинг пренатал ултратовуш ташхисини яхшилашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу касалликка аниқ ва тўғри ташхис қўйиш масалалари очик қолмоқда ҳамда бунга боғлиқ ҳолда жарроҳлик ва қон кетишини олдини олувчи усуллари кўллаш муаммоси сақлаб қолмоқда. Замонавий акушерликда йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришини ташхислаш ва жарроҳлик амалиётини муқобиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талаблари даражасига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада она ва бола саломатлиги масалаларини ўрганиш жуда долзарб бўлиб, касалликларни эрта ташхислаш ва малакали даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқишга асосланган «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни

¹ Palacios-Jaraquemada J.M., D'Antonio F., Buca D, Fiorillo A, Larraza P. Systematic review on near miss cases of placenta accreta spectrum disorders: correlation with invasion topography, prenatal imaging, and surgical outcome. J. Matern. Fetal. Neonatal. Med. 2020; 33(19): 3377-3384.

муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш...»² га йўналтирилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аёллар орасида замонавий технологияларни қўллаш, акушерликдаги касалликларни даволаш ва профилактикасининг самарали усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 2023 йил 9 августдаги «Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-216-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891-сон, ПҚ-296-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришини ташхислаш ва жарроҳлик амалиётини бўйича тадқиқотлар дунёнинг қатор етакчи тиббиёт университетлари ва клиникаларида олиб борилмоқда. Йўлдошнинг ўсиб киришини антенатал ташхислашнинг масалалари тўлиқ ҳал қилинмаган ва ҳар доим ҳам ташхиснинг тўғрилигини кафолатламайди (Bowman Z.S., 2014; D'Antonio F., 2014; Einerson B.D., 2018; Jauniaux E., 2018). Ҳозирги вақтда йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан касалланган ҳомиладор аёлларни туғдиришнинг асосий усули қуйидагилардан иборат: кенг ўрта чизиқли лапаротомия, бачадон туби қисмида кесарча кесиш, йўлдошни бачадоннинг пастки сегментидан олиб ташлаши билан метропластикадан иборат (Aitken K., 2016; Chou M.M., 2015; Fan D., 2017; Matsubara S., 2023; Palacios-Jaraquemada J.M., 2022; Silver R.M., 2018). Жарроҳлик ўтказишнинг ушбу тактик схемаси жиддий эътирозларни келтириб чиқармайди ва бутун дунёда қўлланилади. Бироқ, бу ҳолатда қўлланиладиган қонни кетишини олдини олувчи жарроҳлик усуллари мутахассислар орасида фаол муҳокама қилинадиган ўз спектрига эга. Буларга қуйидагилар киради: бачадоннинг уч жуфт томир магистралини боғлаш, ички ёнбош артерияларини боғлаш, бачадон артерияларни эмболизацияси, умумий ёнбош артерияларнинг вақтинча баллонли

2 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmoni // www. lex. uz.

окклюзияси, қорин аортасининг вақтинча баллонли окклюзияси (Bowman Z.S., 2014, Silver R.M., 2018).

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ҳомиладор аёлларда йўлдошнинг ўсиб киришини ташхислаш ва туғиш усулларини қўллаш масалалари долзарбдир (Виницкий А.А., 2018; Курцер М.А., 2018; Латышкевич О.А., 2015; Оппенгеймер Л., 2014; Памфамиров Ю.К., 2017; Шмаков Р.Г., 2018). Сўнгги нашрларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, умумий ёнбош артерияларнинг ёки қорин аортасининг вақтинча баллонли окклюзияси усуллари йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришида қон кетишига қарши курашда асосий усулга айланаётганини кўрсатади (Курцер М.А., 2018; Шмаков Р.Г., 2020). Шу билан бирга, кесар кесишнинг юқори частотаси ва йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришининг динамикаси дунёнинг кам ривожланган минтақаларида ангиографик ёрдамлардан фойдаланиш имкониятларидан анча олдинда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ушбу усуллар билан параллел равишда, йўлдошнинг ўсиб киришида қон йўқотилишини камайтиришнинг муқобил усулларини излаш давом этмоқда. Ушбу йўналишда баъзи тадқиқотчилар томонидан умумий ёнбош артерияларни вақтинча қисиш ва мураккаб компрессли гемостаз усуллари таклиф қилинган (Памфамиров Ю.К., 2017, Шмаков Р.Г., 2017).

Мамлакатимизда йўлдошнинг ўсиб кириши кузатиловчи ҳомиладор аёлларни ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволаш масалалари етарлича ўрганилмаган. Баъзи ҳудудларда рўйхатга олиш тизимида йўлдошнинг ўсиб кириши бўйича статистик кўрсаткичлар мавжуд эмас. Ўзбекистонда оналар ўлими таркибида, критик ҳолатларни маҳфий таҳлил қилиш қўмитаси маълумотларига кўра, 2013-2015 йилларда массив акушерлик қон кетиши ҳар 100000 туғруқдан 4,5% ни, 2016-2017 йилларда 3,8% ни, 2018-2020 йилларда эса 5,4% ни ташкил этган (Каримова Н.Н., Юсупбаев Р.Б., Ниязметов Р.Э., Матякубов Б.Б., 2020). Массив қон кетишининг барча сабаблари орасида йўлдошнинг олдинда келиши 13% еканлиги аниқланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бачадоннинг пастки сегментидан қон кетишида (йўлдошнинг марказий жойлашуви) массив акушерлик қон кетиш хавфи 1,5 баробар ортган (Юсупбаев Р. В., 2023).

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан хасталанган беморларни туғдиришда ангиографик ёрдамдан кенг фойдаланиш жиддий ташкилий, технологик ва кадрлар муаммолари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, муқобил усулларнинг (умумий ёнбош артерияларни вақтинча қисиш ва мураккаб компрессли гемостазни) долзарблиги жуда юқори. Касалликни ташхислаш муаммоларининг долзарблиги, йўлдошнинг ўсиб киришида қонни кетишини олдини оловчи усулларини танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш зарурати диссертация тадқиқотининг мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Ўзбекистоннинг худудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг янги технологиялари” (2019-2023 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришини ташхислаш усулларининг сезгирлиги ва ўзига хослигини ўрганиш, бачадон ҳамда ёндош органлар инвазив шикастланишининг тарқалишига қараб жарроҳлик тактикаси алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент шаҳар перинатал марказининг 5 йиллик (2018-2022 йиллар) материаллари асосида йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши частотасини ҳамда унинг оқибатини аниқлаш;

йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришини ташхислашнинг энг юқори ахборот берувчи клиник ва инструментал мезонларни аниқлаш;

йўлдошнинг жойлашиши, пренатал эксперт ултратовуш текшируви, МРТ маълумотлари, бачадоннинг жарроҳлик амалиёти давомидаги ҳолати, қон кетишини олдини олувчи усуллар, қон йўқотиш даражаси, гистологик текширув маълумотларини ҳисобга олган ҳолда йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши патологик моделларини табақалаштириш ҳамда туғдиришнинг мақбуллаштирилган жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш;

йўлдошнинг марказий жойлаши ҳолатларида бачадоннинг пастки сегментини метрорпликация қилишнинг ишлаб чиқилган усулининг самарадорлигини аниқлаш;

инвазив ўсиш даражасини ва қон кетишини олдини олувчи жарроҳлик амалиётлари технологиясини танлашнинг табақалаштирилган ёндашувини аниқлаш билан йўлдошнинг ўсиши диагностикаси алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар перинатал марказида 2018-2022 йилларда даволанган йўлдошнинг марказий жойлаши ва кесар кесишдан кейин бачадон чандиғи билан туғдирилган 144 нафар ҳомиладорлар ва йўлдошнинг нормал жойлаши ва кесар кесишдан кейин бачадон чандиғи билан туғдирилган 60 нафар ҳомиладор аёллар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида клиник, биокимёвий таҳлиллар учун веноз қон ва қон зардоби, гистологик текширувлар учун олиб ташланган бачадон, бачадон чандиғи ҳамда йўлдош материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, функционал (УТТ, МРТ), гистологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши кузатилганда ишлаб чиқилган табақалаштирилган патология моделларини қўллаш, қон йўқотиш даражасини, асосиз жарроҳатланишни, органларни олиб ташлашни, жарроҳлик амалиёти давридаги ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг частотаси ва оғирлигини камайтириши исботланган;

йўлдошнинг бачадон чандиғига чуқур инвазив ўсиб кириб бориши натижасида туб қисмидан кесарча кесиш жарроҳлик амалиётини ўтказиш қон йўқотиш даражасини 2 баробарга, жарроҳлик вақтидаги ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг частотасини ва оғирлигини камайтириши, аъзони сақлаб қолиш орқали йўлдош юқори чеккасидан кўндаланг кесарча кесиш билан солиштирганда етакчи усул эканлиги исботланган;

йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши кузатилганда кесарча кесишда умумий ёнбош артерияларини вақтинча қисиб қўйиш ва мураккаб компрессияли гемостазни юзага келтириш амалиёти, умумий ёнбош артерияларининг вақтинча эндовазал окклюзияси усулига нисбатан самарали муқобил, ўрнини босувчи усул эканлиги исботланган;

йўлдошнинг марказий жойлаши кузатилганда кесарча кесишда анъанавий ҳолатда қўлланилувчи бачадон томирларининг юқорига кўтарилган шохларини боғлаш усулига нисбатан, ишлаб чиқилган бачадон пастки сегментини метропликацияси усули қон йўқотиш даражасини 1,5 баробарга, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда қон кетишини частотасини камайтириши ҳамда ишончли гемостазни юзага келтириши самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

эксперт ултратовуш текшируви пайтида йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришининг энг юқори ахборотли ташхислаш белгилари гипоехоген ретроплацентар зонанинг мавжуд эмаслиги ва бачадон пастки сегментнинг гиперваскуляризацияси эканлиги асосланган;

хомиладор аёлларга магнит-резонанс томографиясини ўтказиш жарроҳлик амалиётлари вақтида қон йўқотиш хавфи юқори бўлган “placenta percreta”га шубҳа қилинганда, йўлдошнинг сийдик пуфагига ва латерал параметрларга ўсиб кириши каби ҳолатларда қўллаш зарурияти асосланган;

йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши кузатилган беморларни кўп тармоқли шифокорлар гуруҳи мавжуд бўлган туғруқ муассасаларида хомиладорликнинг 37 ҳафталигидан кеч бўлмаган даврларда туғдириш зарурлиги асосланган;

йўлдошнинг ўсиб кириши билан хасталанган беморларни туғдириш пайтида патология моделига қараб маълум бир қонни кетишини олдини олувчи усуллари вариантдан мажбурий фойдаланиши билан органларни сақлаш тамойилларига риоя қилиш муҳимлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида қўлланилган замонавий алгоритмлар ва услубиятлар, назарий маълумотларнинг якуний маълумотлар, тадқиқ қилинган шахсларнинг мақбул сони, бир-бирини тўлдирувчи, ахборий, клиник, инструментал, шунингдек статистик тадқиқот усуллариининг мувофиқлигига, шунингдек, натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланиши ва уларнинг маҳаллий ҳамда хорижий амалиётда бошқа мутахассислар тадқиқотлари тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан оғриган беморларни туғдириш тактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар патология моделларини табақаланиши асосида қуйидагиларга имкон берган: қон йўқотиш даражасини бошқаришни яхши натижасига эришиш, кераксиз жарроҳлик жароҳатлари даражасини камайтириш, аъзони олиб ташлаш масаласини янада оқилона ҳал қилиш; жарроҳлик вақтида ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг частотаси ва оғирлигини камайтириш, бошқариш ва жарроҳлик даволаш учун алгоритм яратиш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан оғриган беморларни ташхислаш, бошқариш ва жарроҳлик орқали туғдиришнинг амалга оширилган муқобил алгоритми патология моделларига асосланиб, жарроҳлик вақтида қон йўқотишни камайтириш, беморнинг репродуктив функциясини сақлаб қолиш, кераксиз жарроҳлик жароҳатини, гистерэктомия частотасини ва оналар ўлимини камайтириш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кесар кесишдан кейин йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришини ташхислан ва жарроҳлик амалиётини муқобиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши кузатилганда ишлаб чиқилган табақалаштирилган патология моделларини қўллаш, қон йўқотиш даражасини, асоссиз жарроҳатланишни, органларни олиб ташлашни, жарроҳлик амалиёти давридаги ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг частотаси ва оғирлигини камайтириши ҳақидаги натижалар “Кесарча кесишдан кейин бачадон чандиғига йўлдош ўсиб киришида қон кетишини сақловчи усулларни такомиллаштириш” услубий тавсиясига киритилган. Тошкент тиббиёт академиясининг туғруқ комплекси (18.10.2023-йилдаги 120-сон буйруқ), Тошкент шаҳридаги 7-туғруқ комплексининг (28.09.2023 йилдаги 57-сон буйруқ) амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 08.07.2024-йилдаги 02/38-сон хулосаси).

Ижтимоий самарадорлиги: патология моделларини табақаланишига асосланган, йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан касалланган беморларни бошқариш ва жарроҳлик билан даволаш алгоритминини қўллаш, перинатал ва оналар ўлимини, ногиронлигини камайтиришга, тикланиш вақтини қисқартиришга ва аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради.

Иқтисодий самарадорлиги: патология моделларини табақаланишига асосланган, йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан касалланган беморларни жарроҳлик ва даволаш алгоритминини қўллаш, реанимация бўлимида ётиш давомийлиги, плазма ва гемотрансфузия ҳажми миқдори, тақрорий жарроҳлик амалиётлари сонини камайтириш имконини берган. Алгоритмдан фойдаланиш 75 нафар ҳомиладор аёлларда қон йўқотишнинг ўртача даражасини 2300,0+266,5 мл дан 1146,0+40,9 мл гача камайтириш

имконини берган. Бу плазма ва қон қуйишнинг 75%га, шунингдек, гистерэктомия ва реллапаротомияларнинг частотасини камайтиришга ёрдам берган. Иқтисодий самарадорликка бўлимда ётиш давомийлиги қисқартириш (1224000 сўм тежамкорлик), қон препаратларидан фойдаланишни қисқартириш (тежамкорлик 465000 сўм), бачадонни олиб ташлаш амалиётининг ўтказилмаганлиги (тежам 350000 сўм) ҳисобига эришилган ва ҳар бир бемор ҳисобига 2039000 сўмни ташкил этган. 75 нафар беморга жами 152925000 сўмни ташкил этган. Ҳар бир бемор учун иқтисодий харажатлар 1,8 баробарга камайган. **Хулоса:** патология моделларини табақаланишига асосланган, йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан касалланган беморларни бошқариш ва жарроҳлик билан даволаш алгоритминини қўллаш, қон йўқотилиши даражасини, асоссиз жарроҳлик травматизацияси, органларни олиб ташлаш, жарроҳлик вақтидаги ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг частотасини ва оғирлигини камайтиришга, ҳар бир бемор учун 2039000 сўм миқдорда бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: йўлдошнинг бачадон чандиғига чуқур инвазив ўсиб кириб бориши натижасида туб қисмидан кесарча кесиш жарроҳлик амалиётини ўтказиш қон йўқотиш даражасини 2 баробарга, жарроҳлик вақтидаги ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг частотасини ва оғирлигини камайтириши, аъзони сақлаб қолиш орқали йўлдош юқори чеккасида кўндаланг кесарча кесиш билан солиштирганда етакчи усул эканлиги ҳақидаги натижалар “Кесарча кесишдан кейин бачадон чандиғига қўлдош ўсиб киришида қон кетишини сақловчи усулларни такомиллаштириш” услубий тавсиясига киритилган. Тошкент тиббиёт академиясининг туғруқ комплекси (18.10.2023-йилдаги 120-сон буйруқ), Тошкент шаҳридаги 7-туғруқ комплексининг (28.09.2023 йилдаги 57-сон буйруқ) амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 08.07.2024-йилдаги 02/38-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** ҳомиладор аёлларда йўлдошнинг бачадон чандиғига чуқур инвазив ўсиб кириб бориши натижасида туб қисмидан кесарча кесиш жарроҳлик амалиётини ўтказиш перинатал ва оналар ўлимини, ногиронлигини камайтиришга, тикланиш вақтини қисқартиришга ва аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** ҳомиладор аёлларда йўлдошнинг бачадон чандиғига чуқур инвазив ўсиб кириб бориши натижасида туб қисмидан кесарча кесиш жарроҳлик амалиётини ўтказиш реанимация бўлимида ётиш давомийлиги, плазма ва гемотрансфузия ҳажми миқдори, такрорий жарроҳлик амалиётлари сонини камайтириш имконини берган. Алгоритмдан фойдаланиш 75 нафар ҳомиладор аёлларда қон йўқотишнинг ўртача даражасини 2300,0+266,5 мл дан 1146,0+40,9 мл гача камайтириш имконини берган. Бу плазма ва қон қуйишнинг 75%га, шунингдек, гистерэктомия ва реллапаротомияларнинг частотасини камайтиришга ёрдам берган. Иқтисодий самарадорликка бўлимда ётиш давомийлиги қисқартириш (1224000 сўм тежамкорлик), қон препаратларидан фойдаланишни қисқартириш

(тежамкорлик 465000 сўм), бачадонни олиб ташлаш амалиётининг ўтказилмаганлиги (тежам 350000 сўм) ҳисобига эришилган ва ҳар бир бемор ҳисобига 2039000 сўмни ташкил этган. 75 нафар беморга жами 152925000 сўмни ташкил этган. Ҳар бир бемор учун иқтисодий харажатлар 1,8 баробарга камайган. **Хулоса:** ҳомиладор аёлларда йўлдошнинг бачадон чандиғига чуқур инвазив ўсиб кириб бориши натижасида туб қисмидан кесарча кесиш жарроҳлик амалиётини ўтказиш қон йўқотилиши даражасини, асосиз жарроҳлик травматизацияси, аъзоларни олиб ташлаш, жарроҳлик вақтидаги ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг частотасини ва оғирлигини камайтиришга, ҳар бир бемор учун 2039000 сўм миқдорда бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши кузатилганда кесарча кесишда умумий ёнбош артерияларини вақтинча қисиб қўйиш ва мураккаб компрессияли гемостазни юзага келтириш амалиёти, умумий ёнбош артерияларининг вақтинча эндовазал окклюзияси усулига нисбатан самарали муқобил, ўрнини босувчи усул эканлиги ҳақидаги натижалар “Кесарча кесишдан кейин бачадон чандиғига қўлдош ўсиб киришида қон кетишини сақловчи усулларни такомиллаштириш” услубий тавсиясига киритилган. Тошкент тиббиёт академиясининг туғруқ комплекси (18.10.2023-йилдаги 120-сон буйруқ), Тошкент шаҳридаги 7-туғруқ комплексининг (28.09.2023 йилдаги 57-сон буйруқ) амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 08.07.2024-йилдаги 02/38-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** қўлланиладиган қон кетишини олдини олувчи жарроҳлик амалиётларнинг самарадорлиги, эндоваскуляр усуллар натижаларига ўхшаш ҳолда аъзоларни сақлаш частотасини ошишига ва оналар ўлиминин олдини олишга олиб келади. **Иқтисодий самарадорлиги:** умумий ёнбош артерияларини вақтинчалик балон окклюзиясига муқобил қон кетишини олдини олувчи усулларида умумий ёнбош артерияларини вақтинча қисиб, мураккаб компрессияли гемостаз) фойдаланиш 3600000 сўм маблағни тежаш имконини берган. 50 нафар бемор ҳисобидан жами 180000000 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** умумий ёнбош артерияларини вақтинча қисиб қўйиш ва мураккаб компрессияли гемостаздан фойдаланиш гемостазнинг эндоваскуляр усулига мақбул усул бўлиб, ҳар бир бемор учун 3600000 сўм миқдорда бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: йўлдошнинг марказий жойлаши кузатилганда кесарча кесишда анъанавий ҳолатда қўлланилувчи бачадон томирларининг юқорига кўтарилган шохларини боғлаш усулига нисбатан, ишлаб чиқилган йўлдошнинг марказий жойлашишида бачадон пастки сегментини метропликацияси усули қон йўқотиш даражасини 1,5 баробарга, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда қон кетишини частотасини камайтириши ҳамда ишончли гемостазни юзага келтириши самарадорлиги ҳақидаги натижалар “Кесарча кесишдан кейин бачадон чандиғига йўлдош ўсиб киришида қон кетишини сақловчи усулларни такомиллаштириш” услубий тавсиясига

киритилган. Тошкент тиббиёт академиясининг туғруқ комплекси (18.10.2023-йилдаги 120-сон буйруқ), Тошкент шаҳридаги 7-туғруқ комплексининг (28.09.2023 йилдаги 57-сон буйруқ) амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 08.07.2024-йилдаги 02/38-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган ва жорий этилган метропликация усули самарадорлиги интра- ва операциядан кейинги қон кетиш даражасини камайтиради, органларни сақлашнинг энг самарали натижаларига эришиш имконини яратади. **Иқтисодий самарадорлиги:** метропликация усулини жорий этиш жарроҳлик амалиётидан кейинги қон кетиш хавфини камайтиришга имкон берган, плазма ва гемотрансфузиялар, бачадон бўшлиғини тозалаш ва такрорий жарроҳлик амалиётлари сонини ва ҳажмини камайтирган. Метропликация усулини қўллаш 48 нафар беморда қон йўқотишнинг ўртача даражасини 1400,0+57,7 мл дан 966,7+27,3 мл гача камайтириш имконини берган. Плазма ва қон қуйишнинг 25% га, шунингдек, бачадон бўшлиғини тозалаш ва гистерэктомиялар частотасини камайтиришга ёрдам берган. Иқтисодий самарадорликка реанимацияда ётиш кунлик харажатларини қисқартириш (1224000 сўм тежамкорлик), қон препаратларидан фойдаланишни қисқартириш (тежамкорлик 155000 сўм), бачадонни олиб ташлаш амалиётларини ўтказилмаслиги (тежам 350000 сўм) ҳисобига эришилган ва ҳар бир беморга 1574000 сўмни ташкил етди. 48 нафар бемор ҳисобига жами 75552000 сўмни ташкил этган. Ҳар бир бемор учун иқтисодий харажатлар 1,5 баробарга камайган. **Хулоса:** ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган йўлдошнинг марказий жойлашуви билан ва бачадон чандиғи билан бачадоннинг пастки сегментини метропликация қилиш усули бачадон томирларининг юқорига кўтарилган шохларини боғлаш билан таққослаганда, органларни сақлаш, қон йўқотишни камайтириш ва операциядан кейинги қон кетиш частотасини камайтиришни юқори самарадорликни кўрсатган, ҳар бир бемор учун 1574000 сўм миқдорда бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми акс эттирилган.

Диссертациянинг **“Кесар кесишдан кейин йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши муаммоси ҳақидаги замонавий ғоялар”** номли биринчи бобида сўнгги адабиётлардан олинган маълумотлар, кесар кесишдан кейин йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши тесзлиги, хавф омиллари, диагностикаси, тактика ва жарроҳлик бўйича замонавий қарашлар таҳлили, даволаш, ушбу патология учун қон кетишини олдини олувчи технологияларини қўллаш келтирилган. Қўшимча ечимларни талаб қиладиган долзарб муаммолар таъкидланган.

Диссертациясининг **“Клиник материал ва тадқиқот усулларининг характеристикаси”** номли иккинчи бобида клиник материал, тадқиқот босқичлари билан тавсифи тадқиқот дизайни ҳақида маълумот берилган, шунингдек, умумий клиник, инструментал визуализация усуллари ва статистик тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот 2018-2022-йилларда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг акушерлик, гинекология ва перинатал кафедрасининг Тошкент шаҳар перинатал маркази базасида, ўтказилди.

Тадқиқот дизайни тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари билан белгиланади: йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши аппарат диагностикасининг ишончлилик даражаси, клиник (интраоператив) ташхис, қон йўқотиш даражаси, йўлдош-бачадон интерфейсидаги ҳақиқий ҳолат (гистологик тадқиқотлар билан тасдиқланган) ва ишлатиладиган қон кетишини олдини олувчи технологиялари. Тадқиқотга қўшилиш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган беморларнинг ёши, ёлғиз ҳомиладорликнинг мавжудлиги, олдинги кесар кесишдан сўнг бачадонда чандиқнинг мавжудлиги, йўлдошнинг марказий жойлашуви мавжудлиги, тадқиқотда иштирок этиш учун маълумотли розилик мавжудлиги. Тадқиқотдан четлатиш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: кўп ҳомиладорликнинг мавжудлиги, онанинг оғир соматик патологиясининг мавжудлиги, жинсий аъзоларнинг туғма аномалиялари, саратон, тизимли қон касаликлари, ўткир юқумли касалликлар.

Йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши ташхисини гистологик текширишни ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли ретроспектив ва истиқболли таҳлиллар натижасида қуйидаги клиник гуруҳлар тузилди:

1-гурух (асосий гуруҳ) (n =84) – йўлдошнинг ўсиб кириши гистологик аниқланган йўлдошнинг марказий жойлашуви бўлган ва бачадон чандиғи бор беморлар;

2-гурух (таққослаш гуруҳи) (n =60) - йўлдошнинг ўсиб кириши гистологик аниқланмаган йўлдошнинг марказий жойлашуви бўлган ва бачадон чандиғи бор беморлар;

3-гурух (назорат гуруҳи) (n =60) – йўлдошнинг аномал жойлашуви бўлмаган ва бачадон чандиғи бор беморлар.

Йўлдошнинг марказий жойлашуви бўлган ва бачадон чандиғи бор беморлар "Йўлдошнинг ўсиши ва ётиши: ташхислаш ва даволаш" қўлланмасига биноан PAS белгиларини аниқлаш ёки истисно қилиш учун рангли Допплер харитаси (Хитойнинг Mindray фирмаси DC-22, эксперт сифатли ва Хитойнинг SonoScape фирмасининг юқори сифатли S-22 аппаратлари) ёрдамида трансабдоминал ва трансвагинал ултратовуш текширувидан ўтдилар (Jauniaux E., 2018). Ултратовуш текшируви натижаларини олгандан сўнг, PAS белгилари қайд этилган, placenta percreta га шубҳа қилинган баъзи беморларга контрастларсиз МРТ амалга оширилди. Ишда Германияда ишлаб чиқилган SIEMENS 1,5 т MR-бирлиги "Aura", ишлатилган.

Ушбу бобда тадқиқотда қўлланиладиган жарроҳлик усулларининг тавсифи келтирилган: стандарт кесар кесиш, бачадон туб қисмидан кесар кесиш, Chandrahara типидagi жарроҳлик, метропластика (йўлдош билан бирга бачадон пастки сегментиининг ўзгартирилган олд деворини кесиб ташаш).

Тадқиқотда қуйидаги қон тежовчи технологиялар қўлланилди: ички ёнбош артерияларини боғлаш, умумий ёнбош артериялари вақтинча қисиш, қорин аортасини вақтинча қисиш, мураккаб компресс гемостаз, бачадон пастки сегментини метропликацияси (Интеллектуал мулк агентлигидан олинган фойдали модел патенти № FAP 01581). 2-бобда қон йўқотиш ва гистологик текширувни баҳолаш усули ҳам тасвирланган.

Олинган тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Microsoft Excel электрон жадваллари ва Statistica V10 статистик дастурий таъминот тўплами (АҚШ) ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижаларни таққослаш Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида ўртача қийматни (M) ва ўртача арифметик ўртача хатони (m) аниқлаш билан умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида, Студентнинг ўртача қийматларни таққослаш учун t-меъзонини ҳисоблаш билан амалга оширилди. Аҳамиятлилик даражасидаги фарқлар статистик жиҳатдан $p < 0.05$ аҳамиятли ҳисобланади.

Диссертациянинг "**Тадқиқот натижалари**" номли учинчи бобида беморларнинг клиник хусусиятларини уч гуруҳда ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган. Хавф омилларини ўрганишда йўлдошнинг марказий жойлашуви ва 2 ёки ундан ортиқ бачадон чандиғи сони - 2 ёки ундан кўп - йўлдошнинг ўсиб кириши ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Омиллар: бачадон бўшлиғини қириб тозалаш, интергенетик


интервал, ҳомиладорлик кечишининг патологияси, гинекологик касалликлар, анамнездаги ўз-ўзидан ҳомила тушиши (туғилиш) сони - йўлдошнинг марказий жойлашуви ва йўлдошнинг ўсиб кириши шаклланишига таъсир қилмади. Олдинги кесар кесиш учун кўрсатмалар билан боғлиқ омиллар орасида она чаноғи ва ҳомила бошнинг номутаносиблиги муҳим таъсир кўрсатди: Эҳтимол, бундай шароитда бачадон ярасининг четларини адекват кооптациясига эришиш энг қийин бўлиб, бу энг масъулиятли ҳудуд – бу ҳам - йўлдошнинг ўсиб кириши ҳам аномал йўлдошнинг жойлашувига, бевосита эндометрий ярасининг битиши сифатига салбий таъсир қилади.

Ультратовуш (Допплер текшируви) ва қўшимча равишда МРТ текшируви асосида йўлдошнинг марказий жойлашуви бўлган ва бачадон чандиғи соҳасига усиб кириши борлигини ташхиси кўйилди. Икки ёки ундан ортик эхографик белгилар бирлаштирилганда, йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришининг дастлабки ташхиси кўйилди. Ҳомиладор аёллар орасида йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши мавжудлигини кўрсатадиган орасида энг тез-тез аниқланган йўлдошнинг қавариклиги (92,9%), бачадон пастки сегментининг гиперваскуляризацияси (86,9%) ва гипоехоген ретроплацентал зонанинг йўқлиги (77,3%) кўпинча аниқланган (1-гуруҳ).

Placenta percreta шубҳа қилинган беморлар (n=14) ҳомиладор бачадоннинг контрастсиз МРТ текширувидан ўтказилди. Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларнинг 100,0%да бачадоннинг пастки сегментида “бўртиб чиққиши”, 85,7%да - қон томир бўшлиқлари, 71,4%да - бачадон девори билан сийдик пуфағи ўртасида чегаранинг йўқлиги, 57,3%да - “қора ленталар”, 57,1%да ретроплацентал “соя” мавжудлиги аниқланган.

Гистологик маълумотлар натижасида 84 ҳомиладор аёллардан (1-гуруҳ) 20(23,8%) нафар беморда placenta accreta, 37(44,0%) нафар беморда placenta increta, 17(20,2%) нафар беморда placenta percreta аниқланди.


Бачадоннинг пастки сегментининг олд деворининг резекция қилинган бўлимлари (метропластика ёки гистерэктомия пайтида) препаратларининг микроскопик тавсифи шуни кўрсатдики, йўлдошнинг ўсиши (placenta accreta) базал ламинанинг йўқлиги билан тавсифланишини кўрсатди (1.А-расм), ворсиначилар тўғридан-тўғри Нитабух фибриноид ва инвазив трофобласт миометрия зонасига яқин жойлашган, миометрий ва ворсинка дарахти чегараси силлиқ эди. Placenta increta булганда миометрийда инвазив трофобласт аниқланган (1.Б-расм).



1-расм. А – БПС олд деворининг фрагменти. Placenta accreta. Базал қатлам йўқ, ворсиначилар фибриноид зона ва инвазив трофобласт билан


миометрияга қўшилган. Гематоксилин ва эозин билан бўяш. х100. Б - БПС нинг олд деворининг бўлаги. Placenta increta. Ворсинкадан ташқари мушак толалари орасидаги ворсинкадан ташқари трофобласт. Гематоксилин ва эозин билан бўяш. х200.

Юпқалашган миометрида лакунар типдаги йирик веноз томирлар деворларининг бузилиши деворнинг структуравий компонентларини инвазив трофобласт ва фибрин билан алмаштирилганлиги билан аниқланган (2.А-расм). Бачадоннинг олд деворининг миометриясини ўрганиш, мушак толалари гуруҳларини ўраб турган яхши аниқланган бириктирувчи тўқима толалари ва кен томирлари атрофида мушак толалари гипертрофияланганлиги энг аниқ ифодаланганлигини кўрсатди (2.Б-расм).



2-расм. А - Катта веноз томирларнинг деворларини бузилиши. Гематоксилин ва эозин билан бўяш. х200. Б - мушак толалари гуруҳлари атрофида ва томир деворидаги бириктирувчи тўқима толалари. Массон бўйича уч рангли. х200.

Эътиборга молик нарса йўлдошнинг майдонига яқин жойлашган кўп сонли ворсинкалар эди (3.А-расм). Миометриум бўлмаса ва ворсиналар сероз мембранага тўғридан-тўғри ёпишган бўлса, йўлдош томонидан сероз қатламнинг униб чиқиши пайтида placenta percreta аниқланди. (3.Б-расм). Йўлдош майдонининг миометриял томирлари деворларининг тасвирланган бузилишини ўсишдан (placenta accreta) фарқловчи йўлдошнинг ўсиб кириши маркери (placenta increta) сифатида кўриб чиқиши керак. Эҳтимол, веноз томирлар деворларининг бузилиши туфайли уларнинг тешикларида ворсинкалар тўплами топилади. Йўлдош тўшагининг веноз бўшлиқларида ва унинг остидаги миометрияда ворсинкалар мавжудлиги placenta accreta йўлдошнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.



3-расм. А - яхши ривожланган стромага эга бўлган кўп сонли ворсиналар ўзаги. Массон бўйича уч рангли. х.100. Б- 3.31-расм. БПС

нинг юпқалаштирилган олд деворидан парча. **Placenta percreta**. Йўлдош тўқималарининг шиллик қаватга чуқур кириб бориши мавжудлиги.

Гематоксилин ва эозин билан бўяш. х100

Клиник ва гистологик ташхисларнинг мос келиши. Клиник (интраоператив) ташхис йўлдош ўсишининг мавжудлиги ва даражасини макроскопик баҳолашга қараб амалга оширилади. Placenta accreta нинг клиник ташхиси гистологик ташхис билан 90,9% га тўғри келиши, placenta increta – 100,0% да, placenta percreta - 80,9% ҳолларда аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Клиник (интраоператив) ташхиснинг гистологик текширув маълумотлари билан мос келиши

Клиник ташхиси	Гистологик ташхиси		
	Pl. accreta (n=20)	Pl. increta (n=47)	Pl. percreta (n=17)
Pl. accreta (n=22)	20	2	-
Pl. increta(n=41)	-	41	-
Pl. percreta (n=21)	-	4	17

Ультратовуш белгилари асосида йўлдошнинг ўсиб кириши даражасини аниқлаш. Допплер ультратовуш ва гистологик таҳлил билан ультратовуш ҳисоботининг ретроспектив таҳлилида, йўлдошнинг инвазив ўсиб кириши шакллариининг прогностик белгилари гипозоноген ретроплацентал зонанинг йўқлиги ва бачадоннинг пастки сегментининг гиперваскуляризацияси еканлиги аниқланди. Pl. percreta бўлган ҳомиладор аёлларнинг мутлақо сонида бачадон девори ва сийдик пуфаги ўртасида аниқ чегаранинг йўқлиги, гипозоноген ретроплацентал зонанинг ва пастки сегментнинг гиперваскуляризацияси қайд етилган (2-жадвал).

2-жадвал

Йўлдошнинг ўсиб кириши даражасига қараб ультратовуш белгиларини аниқлаш

Ўрганилган кўрсаткичлар	Placenta accreta n=18*		Placenta increta n=47		Placenta percreta n=17		1 гуруҳ n=82*	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Плацента бўртмасининг мавжудлиги	10	55,6	47	100,0	17	100,0	74	90,2
Гипозоноген ретроплацентал зонанинг йўқлиги	8	44,4	40	85,1	17	100,0	65	79,2
Бачадон девори ва сийдик пуфаги ўртасида аниқ чегаранинг йўқлиги	-	-	4	8,5	17	100,0	21	25,6
Бачадон пастки сегментининг гиперваскуляризацияси	11	61,1	41	87,2	17	100,0	69	84,1

Йўлдош қон томир лакуналарининг мавжудлиги	2	11,1	20	42,5	12	70,6	34	41,5
--	---	------	----	------	----	------	----	------

Еслатма: * - қабул пайтида ТШПМ ултратовуш текширувидан ўтмаган иккита бемор киритилмади.

МРТ белгилари бўйича placenta percretани аниқлаш. МРТ маълумотларидан фойдаланган ҳолда placenta percretани аниқлашнинг ретроспектив таҳлилида прогностик МРТ белгилари: миометрий ва сийдик пуфаги девори ўртасида чегаранинг йўқлиги (90,9% ҳолларда), қон томир лакуналарининг мавжудлиги (81,8% ҳолларда) ва “қора ленталар” мавжудлиги (72,7% ҳолларда) (3-жадвал).

3-жадвал

МРТ белгилари бўйича placenta percretани аниқлаш

Ўрганилган кўрсаткичлар	Placenta increta n=3		Placenta percreta n=11		Жамми n=14	
	абс	%	абс	%	абс	%
Бачадоннинг пастки сегменти деворининг "бўртиб чиқиши"	3	100,0	11	100,0	14	100,0
Бачадоннинг пастки сегментида миометрий тўқималарнинг ингичкалаши	3	100,0	7	63,6	10	71,4
Бачадоннинг пастки сегментида миометрий тўқималарнинг йўқлиги (узлуксизлиги).	-	-	4	36,3	4	28,6
Катта томир лакуналарининг мавжудлиги	2	66,7	9	81,8	12	85,7
"Қора ленталар"нинг мавжудлиги	-	-	8	72,7	8	57,1
Бачадон девори ва сийдик пуфаги ўртасида аниқ чегаранинг йўқлиги	-	-	10	90,9	10	71,4
Ретроплацентал "соя" мавжудлиги	2	66,7	6	54,5	8	57,1

Шундай қилиб, ултратовуш маълумотларига кўра тўғри ташхис 1 гуруҳдаги ҳомиладор аёлларнинг 90,2 % да (82 тадан 74 та ҳолатда) қўйилди. Йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб кириши билан оғриган беморларда ултратовуш текширувининг нотўғри-салбий натижаси 9,8% ни ташкил этди (82 та бемордан 8 таси). Нотўғри ижобий натижа 20,0% ни ташкил этди (60 бемордан 12 таси). Тадқиқотимиз натижаларига кўра, йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришини аниқлашда ултратовуш усулининг сезгирлиги 90,2%, ўзига хослиги - 80,0% ни ташкил этди.

Барча ҳомиладор аёллар мунтазам туғруксиз қабул қилинди. Уларнинг барчасида кесар кесиш ўтказилди. Эрта туғишнинг улуши асосий гуруҳда ва таққослаш гуруҳида сезиларли даражада юқори (89,3 ва 83,3%), назорат гуруҳида - 36,7% ($p < 0,05$). Асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларнинг 53 нафари (63,1 %) режали, 31 нафарида (36,9 %) шошилиш жарроҳлик ўтказилди. Таққослаш гуруҳида: режалаштирилган жарроҳлик – 24 (40,0%) ва фавқулодда

вазиятларда – 36 (60,0%) жарроҳлик ўтказилди. Назорат гуруҳида 39 нафар (65,0 %) ҳомиладор аёллар режали, 21 нафар (35,0 %) шошилич туғдирилди.

Диссертациянинг «**Йўлдошнинг бачадон чандиғига ўсиб киришида туғруқнинг жарроҳлик жиҳатлари**» номли IV бобида 1 гуруҳдаги беморларни жарроҳлик даволаш натижалари тавсифланади. Беморларнинг умумий сонидан (n = 84) 58 нафарида (69,1%) органларни сақлаш (метропластика) амалга оширилди. Назоратсиз қон кетиши туфайли 18 ҳолатларда метропластика уринишларидан сўнг ва 8 ҳолатларда йўлдошнинг инвазив ўсиши натижасида органнинг визуал кенг кўламли зарарланиши туфайли органни сақлаб қолиш истиқболлари пастлиги сабабли (метропластика уринишларсиз) (барча эпизодлар йўлдошнинг ўсиб кириши сифатида гистологик жиҳатдан тасдиқланган) гистерэктомия амалга оширилди. Шундай қилиб, гистерэктомия 84 нафар бемордан 26 нафарида (30,9%) амалга оширилди.

Пастки ўрта лапаротомия пайтида бачадон пастки сегменти олд деворининг чуқур тўғридан-тўғри визуал ва палпация текшируви ўтказилди. Шу билан бирга, бачадон пастки сегментининг чандиқли трансформациясининг табиати ва тарқалиши, шунингдек, йўлдош инвазияси жараёнида сийдик пуфагининг орқа деворининг иштироки баҳоланди. Бурма ости бўшлиғида гипертрофияланган томирлар тармоғи ва йўлдошнинг сийдик пуфағига ўсиши белгилари аниқ бўлмаганда, пренатал ултратовуш текширувида юзага келиши мумкин бўлган хатоларни истисно қилиш ва бачадон пастки сегментида йўлдошнинг юқори четида кўндаланг утеротомия қилиш имкониятини аниқлаш учун кўшимча интраоператив ултратовуш текшируви ўтказилди. Чуқур инвазив йўлдош ўсишининг аниқ пренатал ва интраоператив белгиларида бачадон туб қисмидан соҳасида утеротомия ва ҳомила экстракцияси ўтказилиб, лапаротомия кесмаси ўрта-пастки ўрта лапаротомияга олдиндан узайтирилди.

Асосий гуруҳда 84 ҳомиладор аёлларнинг 75(89,3%) нафарида бачадон туб қисмидан кесар кесиш, бачадон пастки сегментида кўндаланг йўлдош юқори даражасидан - 9(10,7%) нафар беморда амалга оширилди. Бачадон туб қисмидан кесар кесиш пайтида қон йўқотиш 2000,0 мл дан ошмади. Бачадон пастки сегментида кўндаланг йўлдош юқори даражасидан кесар кесиш ўтказган 9 нафар аёл орасида 6 нафар ҳомиладор аёлда 2000,0 - 3600,0 мл оралиғида қон йўқотиш кузатилди. Ушбу беморларга сонига «near miss» ҳолатидаги 2 нафар аёл кирди

